



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 19 » aprel

№ 223

Toshkent sh.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага берилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Кейинги йилларда мамлакатимизда ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкӣ ва ҳуқуқӣ муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодӣ қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқӣ муносабатлар объектӣ сифатида эркин муомалага киритишга доир изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижарага беришнинг белгиланиши электрон онлайн-аукцион савдоларини ўтказиш тартибини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 18 январдаги ПФ–15-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 18 январдаги ПФ–15-сон Фармонининг 1 ва 4-бандларида 2024 йил 1 мартдан бошлаб:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очиқ электрон танлов ўрнига электрон онлайн-аукцион савдолари жорий этилиши;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарачиларига ижарага берилган ер участкалари бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) рухсат берилганлиги, бунда:

ижарага олувчи ер участкасидан камида уч йил давомида, ушбу банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда эса, камида беш йил давомида ўзи фойдаланган бўлиши шартлиги, бу муддат ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ҳисобланиши;

юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион савдолари, очиқ электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорлари билан тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб беш йилдан кейин йўл қўйилиши;

ижарага берувчи очиқ электрон танлов натижасига кўра ижара муддатига тенг тақсимланадиган қўшимча тўловларни ёки электрон онлайн-аукцион савдолари натижаларига кўра бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган тўловларни бир йўла тўлаши шартлиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш учун материалларни тайёрлаш, электрон онлайн-аукцион савдони ташкил этиш ва ундан тушадиган маблағларни тақсимлаш, ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат ва мониторинг қилиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ўтгач кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “ 19” апрелдаги 223-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги “очиқ электрон танлов” сўзлари “электрон онлайн-аукцион савдо” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2¹-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) қуйидаги мазмундаги 3²-банд билан тўлдирилсин:

“3². Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдога чиқариш материалларини тайёрлаш, ташкил этиш, унда иштирок этиш, электрон онлайн-аукцион савдо ғолибини аниқлаш ва натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш ҳамда ғолибнинг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини назарда тутувчи Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом 3²-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

д) 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) қуйидаги мазмундаги 3²-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарорига
3²-илова

**Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини
қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун электрон онлайн-аукцион савдо
орқали ижарага бериш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун жисмоний ва юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари:

а) ўрмон фонди ерларини ижарага бериш;

б) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш учун татбиқ этилмайди.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

“E-ijara” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “E-ijara” АТ) – ер участкаларини ижарага бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли ташкилотлар билан келишишга мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими;

“E-auksion” электрон савдо платформаси (кейинги ўринларда – савдо платформаси) – ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини реализация қилиш учун электрон онлайн-аукцион савдоларни ташкил этиш ва ўтказишга ихтисослаштирилган ахборот тизими;

ваколатли ташкилотлар – ер тузиш лойиҳасини келишадиган ташкилотлар – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (ер участкасидан фойдаланиш мақсади ва ихтисослиги бўйича), Сув хўжалиги вазирлиги (сув таъминоти, ирригация ва мелиорация иншоотлари бўйича), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (ер участкаси чегаралари бўйича) ҳудудий бўлинмалари;

ер тузиш лойиҳаси – ягона мавзе бўйича контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда, ер участкаси чегаралари, ҳудуднинг ихтисослиги, ишлаб чиқариш элементлари ҳисобга олинган муайян ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдо орқали реализация қилиш учун ишлаб чиқилган ҳужжатлар тўплами;

ер участкаси – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархи – савдога қўйилаётган ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдо орқали реализация қилиш учун ушбу ер участкасининг норматив қиймати бўйича аниқланган нархи;

закалат – иштирокчи томонидан электрон онлайн-аукцион савдода қатнашиш учун кафолат таъминоти сифатида олдиндан киритиладиган маблағ;

ижарага берувчи – туман (шаҳар) ҳокимликлари ёки Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси;

ижрочи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

иштирокчи – ер участкаси жойлашган худуд бўйича электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун белгиланган тартибда ариза берган, ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, тегишли вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикасида доимий ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний ва юридик шахслар;

лот – электрон буюртмага асосан электрон онлайн-аукцион савдода ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдо орқали реализация қилиш учун савдо платформасига қўйилган объект;

оператор – савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдони ташкил этиш ҳамда ўтказиш ваколати берилган “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” акциядорлик жамияти;

шахсий кабинет – иштирокчига электрон онлайн-аукцион савдоларда иштирок этиш учун буюртма бериш, уларда қатнашиш, шахсий ҳисобни бошқариш, унинг ҳолати ва бошқа статистика маълумотларини кўриш ҳамда оператор томонидан жўнатилаётган хабарлар билан танишиб бориш имконини берувчи савдо платформасининг махсус бўлими;

электрон буюртма – ер участкаларини савдо платформаси орқали реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукцион савдоларни ташкил қилиш юзасидан ижрочи томонидан операторга бериладиган электрон буюртма;

электрон онлайн-аукцион савдо – савдо платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларга объектни реализация қилиш бўйича нархни ошириб бориш тамойили асосида онлайн тартибда ўтказиладиган савдо шакли;

электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини идентификация қилиш имконини берадиган имзо.

4. Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схемада белгиланган тартиб-таомиллари бўйича босқичма-босқич амалга оширилади.

5. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкалари:

а) деҳқон хўжаликлариغا – Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ҳамда “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунида белгиланган муддат ва ўлчамда ижарага берилади;

б) фермер хўжаликлариغا ва бошқа юридик шахсларга – Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида белгиланган муддатларда ва ўлчамларда ижарага берилади;

в) агросаноат кластерлари, шу жумладан, кооперация шаклидаги кластерларга – Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида белгиланган муддат ва ўлчамда ижарага берилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари талабларига асосан ижтимоий дафтарга киритилганлар, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” ҳамда хориждан қайтган меҳнат мигрантлари рўйхатига киритилган талабгорлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини ижарага бериш бўйича “E-auksion” электрон савдо платформасида ҳамда “E-ijara” АТда алоҳида тоифа (категория) очилади.

2-боб. Электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш учун материалларни тайёрлаш

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) Давлат кадастрлари палатаси ер участкалари тўғрисида қуйидаги маълумотларни ижрочига “E-ijara” АТ электрон ахборот алмашинув орқали давлат рўйхатидан ўтказилган куннинг ўзида юборади:

ер участкаси кадастр рақами, ер тури ва географик жойлашуви, майдони (гектарда);

ер участкасини электрон харитада кўрсатиш учун ер участкасининг кадастр харитаси (координатали нуқталари, чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема);

мавжуд давлат кадастрлари объектлари (газ, алоқа ва энергетика объектлари, автомобиль ва темир йўллар, табиий ва техноген хавфи юқори бўлган тегралар, транспорт қувурлари, гидротехник иншоотлар, муҳофаза қилинадиган объект ва ҳудудлар ҳамда бошқалар) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (изоҳ кўринишида). Бунда давлат кадастрини юритувчи вазирлик ва идоралар давлат кадастрлари ягона тизимида маълумотларнинг тўлиқлигига жавобгар ҳисобланади.

8. Ижрочи уч иш куни ичида “E-ijara” АТ орқали юклаб олинган ер участкасини жойига чиққан ҳолда ўрганади ва ер участкасининг ҳақиқий ҳолати (лойиҳалаштирилаётган ер участкасининг ҳолати, ҳудуднинг ихтисослиги, сув билан таъминланганлик даражаси ҳамда ирригация ва мелиорация тизимининг ҳолати, балл-бонитети, шўрланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар)дан келиб чиқиб, ер участкасининг ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда ер участкасининг ихтисослашувини ва деҳқон хўжалиги учун ёки юридик шахслар учун ажратилишини белгилаб бериш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги уч иш куни муддатда ер участкасининг ихтисослашувини ва деҳқон хўжалиги учун ёки юридик шахслар учун ажратилишини ижрочига маълум қилади.

Ижрочи электрон онлайн-аукцион савдога қўйилаётган ер участкаси бўйича ушбу Низомнинг 5-бандида баён этилган қишлоқ хўжалиги мақсадлари ва ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиши мумкин.

Ҳар бир ер тузиш лойиҳасига “Е-ijara” АТда автоматик тарзда ўзига хос рақам берилади. Бунда ҳар бир лот битта ер участкасидан иборат бўлади.

Битта яхлит контурдаги бир нечта лотлар учун умумлашган ягона ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилиши мумкин. Бунда ижрочи томонидан ҳар бир лотнинг буюртмасига ер участкасини идентификация қилиш имконини берувчи маълумотлар киритилади.

9. Ижрочи ҳар бир ер тузиш лойиҳасини Кадастр агентлигидан олинган дастлабки форматларда келишиш учун ваколатли ташкилотларга қуйидаги маълумотлардан ташкил топган ер тузиш лойиҳасини тасдиқлаш учун 3 иш куни ичида ижарага берувчига “Е-ijara” АТ орқали юборади:

а) ер участкасининг майдони (гектарда) ва тоифаси ҳамда ер турлари контурлар кесимида жадвал шаклидаги маълумот;

б) инфратузилма объектлари мавжудлиги тўғрисида маълумот;

в) ер участкасининг қишлоқ хўжалиги электрон харитасидан кўчирмаси, ер тузиш лойиҳасининг чегаралари ва манзили;

г) чегарадош ер участкалари фойдаланувчилари ҳақида маълумотлар.

д) ер майдонидаги тупроқнинг амалдаги балл бонитировкаси аниқланган сана ва кўрсаткичи.

Электрон онлайн-аукцион савдога қўйилаётган ер участкасида давлат кадастрлари объектлари (газ, алоқа ва энергетика объектлари, автомобиль йўллари ва темир йўллар, табиий ва техноген хавфи юқори бўлган тегралар, транспорт қувурлари, мелиорация ва ирригация иншоотлари, муҳофаза қилинадиган объект ва ҳудудлар ҳамда бошқалар) мавжуд бўлган ҳолатларда қўшимча равишда давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари билан ҳам келишилади.

10. “Е-ijara” АТга ер тузиш лойиҳаси жойлаштирилган кундан бошлаб уч иш куни ичида:

а) ваколатли ташкилотлар томонидан ушбу лойиҳалар келишилади ёки келишиш рад этилади, бунда:

“Е-ijara” АТ да қабул қилинган тегишли қарор ҳақида электрон рақамли имзо билан тасдиқланадиган белги қўйилади;

келишув ҳеч қандай эътироз ва шартларсиз амалга оширилади;

келишиш рад этилганда, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда, тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини амалга ошириш имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади ҳамда мазкур лойиҳа айнан қайси жиҳатдан ушбу нормаларга мувофиқ эмаслиги кўрсатилади;

қонунчилик ҳужжатлари нормаларига зид бўлган сабаблар кўрсатилмаган ҳолда рад этиш ёки келишмасликка йўл қўйилмайди;

Белгиланган муддатда ер тузиш лойиҳаси келишилмаслиги натижасида келиб чиққан ҳуқуқий оқибатлар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли ташкилотларнинг мансабдор шахсларига жавобгарлик чоралари қўлланилади;

Кадастр агентлигига келишиш учун маълумотлар электрон ахборот алмашинуви орқали юборилади;

б) ижарага берувчи тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиб, ЭРИ билан тасдиқлайди ҳамда “Е-ijara” АТ орқали ижрочига юборади, бунда:

ижарага берувчи электрон онлайн-аукцион савдога ижарага бериш ҳуқуқи қўйилаётган ер участкаси ер тузиш лойиҳасини унга тузатишлар киритиш учун ижрочига қайтариши мумкин, бошқа сабаблар билан ер тузиш лойиҳасини қайтаришга йўл қўйилмайди;

Белгиланган муддатда жавоб берилмаган ҳолларда ер тузиш лойиҳаси тасдиқланган ҳисобланади.

11. Ижрочи уч иш куни ичида камчиликларни бартараф этиб, лойиҳани тасдиқлаш учун ижарага берувчига қайта киритади.

Бунда ваколатли ташкилотлар билан қайтадан келишиш талаб этилмайди.

12. Ижарага берувчи икки иш куни ичида тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиб, ЭРИ билан тасдиқлайди.

Бунда ер тузиш лойиҳаси асосида қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага бериш ҳуқуқи учун ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги электрон буюртма “Е-ijara” АТ орқали автоматик тарзда операторга юборилади.

13. Буюртмага ер тузиш лойиҳаси ҳамда электрон онлайн-аукцион савдо ёлиби билан имзоланадиган ижара шартномаси бир томонлама ижарага берувчи томонидан имзоланган ҳолда илова қилинади.

Ижара шартномасида ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини сотиб олиш бўйича тўловлар ва ер участкасининг ижара ҳақини тўлаш тартиби алоҳида акс эттирилади.

деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари лотларга бўлинган контурнинг яхлитлигини таъминлаган ҳолда, бир хил турдаги маҳсулот экиш бўйича ер тузиш лойиҳаси билан бирга юбориладиган буюртмаларга асосан электрон онлайн-аукцион савдоларга чиқарилади.

14. Буюртмага ер тузиш лойиҳаси илова қилинмаган ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилган тақдирда, оператор томонидан буюртма келиб тушган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмасдан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун буюртмани “Е-ijara” АТ орқали ижрочига қайтаради.

15. Ижрочи буюртмани қайтаришга асос бўлган камчиликларни бир иш куни ичида тўлиқ бартараф этиб, такроран буюртмани “E-ijara” АТ орқали операторга юборади.

3-боб. Электрон онлайн-аукцион савдони ташкил этиш

16. Оператор буюртмани олган кундан икки иш кундан кечиктирмай, электрон онлайн-аукцион савдо ўтказилиши тўғрисида хабарномани савдо платформасида эълон қилади.

Бунда электрон онлайн-аукцион савдосини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома 15 календарь кун олдин, такрорий савдода эса 5 календарь кун олдин эълон қилинади.

17. Электрон онлайн-аукцион савдо Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

18. Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун аризалар ушбу Низомга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ савдо платформаси орқали юборилади.

Бунда:

икки ёки ундан ортиқ лотлар бўйича электрон онлайн-аукцион савдода ғолиб бўлган иштирокчига фақат битта ер участкаси учун баённома расмийлаштирилади ва унга ер участкаларидан бирини танлаш имконияти берилади, қолган лотлар бўйича электрон онлайн-аукцион савдо натижалари бекор қилинади ҳамда бекор қилинган лотлар бўйича закат пули иштирокчига қайтарилади;

электрон онлайн-аукцион савдода бир мартаба ғолиб бўлган иштирокчига кейинги электрон онлайн-аукцион савдоларида иштирок этишга йўл қўйилмайди.

4-боб. Электрон онлайн-аукцион савдо натижаларини расмийлаштириш

19. Лот бўйича таклиф этилган энг юқори ижарага олиш қийматининг дастлабки 15 фоиз миқдори 10 иш куни ичида электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби томонидан тўлангандан сўнг унга оператор томонидан бир иш куни ичида электрон онлайн-аукцион савдо натижалари тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

Бунда электрон онлайн-аукцион савдога иштирок этиш учун шакллантирилган закат пули миқдори қўшиб ҳисобланади ҳамда электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби томонидан “бўлиб-бўлиб тўлаш” танланган тақдирда, тўлов графигига асосан тенг тақсимланади.

Электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби баённомага асосан ўн иш куни ичида ер участкасини ижарага олиш шартномасини имзолайди.

Агар электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби белгиланган муддатда лот қийматини дастлабки 15 фоизини тўламаса (тўлов ўз вақтида амалга оширилмаса) ва (ёки) ижарага олиш шартномасини имзоламаса, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда иш юритилади.

Электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби жисмоний шахс бўлса, электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби шартнома имзолаш учун берилган ўн иш куни ичида ўзининг ягона таъсисчилигида ташкил этилган фермер хўжалиги ёки бошқа юридик шахс тўғрисидаги ахборотни ёхуд деҳқон хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестридан кўчирмани шахсий кабинетини орқали савдо платформасига киритади.

Электрон онлайн-аукцион савдо натижаларига доир электрон баённомада ғолиб сифатида ушбу жисмоний шахс, ижара шартномасида эса у томонидан ташкил этилган фермер хўжалиги ёки бошқа юридик шахс кўрсатилади.

20. Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби ихтиёрий равишда деҳқон хўжалигини юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириш истагини билдирган тақдирда, икки иш куни ичида деҳқон хўжалиги сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади.

Бунда электрон онлайн-аукцион савдо натижаларига доир баённомада ғолиб сифатида ушбу жисмоний шахс, ижара шартномасида эса у томонидан таъсис этилган деҳқон хўжалиги кўрсатилади.

21. Электрон онлайн-аукцион савдо натижаларига оид баённома савдо платформаси орқали “E-ijara” АТга юборилади.

22. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ижрочи томонидан ер тузиш ҳужжатлари ва ижара шартномаси “E-ijara” АТда электрон ахборот алмашинуви орқали бир иш куни ичида Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бўлинмаларига юборилади.

23. Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бўлинмалари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномаси асосида икки иш куни ичида электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишли реестрдан кўчирмани электрон ахборот алмашинуви орқали ижрочиға юборади.

24. Ижрочи электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган куннинг ўзида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномасини ҳамда электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича реестрдан кўчирмани электрон онлайн-аукцион савдо ғолибига “E-ijara” АТ орқали юборади.

25. Ижрочи уч иш куни ичида электрон онлайн-аукцион савдо ғолибига ер участкасининг чегарасини жойида кўрсатиб беради ва бу ҳақида тегишли маълумотларни “E-ijara” АТга жойлаштиради.

26. Иштирокчиларнинг интеграциялашган ахборот тизимлари орқали олинадиган маълумотлари ҳаққонийлигига, ўз вақтида келмаслиги (умуман келмаслиги) ёки мавжуд эмаслиги оқибатида юзага келадиган низоларга оператор жавобгар ҳисобланмайди.

5-боб. Электрон онлайн-аукцион савдодан тушадиган маблағларни тақсимлаш

27. Электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижара ҳуқуқини сотишдан тушган маблағлар ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин оператор хизмат ҳақи чегирилган ҳолда қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларга (2 фоиз – “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖга, 3 фоиз – “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтига, 5 фоиз – Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига);

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим баравари миқдорида – ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳисобварағига (деҳқон хўжалигига ажратилган ерларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим ундирилмайди);

қолган маблағлар – тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига.

28. Ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн-аукцион савдолари ғолибларига уларнинг танловига кўра ер участкаси нархини уч йил муддатда, электрон онлайн-аукцион савдолари ғолиби бўлган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган фуқароларга ер участкаси нархини беш йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади.

Бунда иштирокчининг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турганлик ҳолати электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ариза бериш жараёнида савдо платформасига интеграция қилинган ахборот тизимлари орқали аниқланади.

Иштирокчи электрон онлайн-аукцион савдоларида иштирок этиш учун аризада ер участкаси нархини бўлиб-бўлиб тўлашни танлаган бўлса, тўлов графиги “E-auksion” электрон савдо платформасида автоматик тарзда шакллантирилади ва ер ижара шартномаси билан бирга электрон онлайн-аукцион савдо ғолибига топширилади.

29. Электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби ер участкаси нархини бўлиб-бўлиб тўлашни танлаган ҳолларда, тўлов графигига асосан узрли сабабларсиз кетма-кет уч ой давомида тўловларни амалга оширмаса, ер участкаси нархини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти бажарилмаган ҳисобланади.

Бунда ижарага берувчига кечиктирилган ҳар бир ой учун электрон онлайн-аукцион савдо ғолибини огоҳлантириш мажбурияти юкланади.

Электрон онлайн-аукцион савдо голибининг узрли сабаблари бўлмаганда ҳамда огоҳлантиришларга қарамасдан кетма-кет уч ой давомида бўлиб-бўлиб тўлаш тўловларини амалга оширмаганда, электрон онлайн-аукцион савдо натижалари тўғрисидаги баённома ҳамда ер участкасини ижарага олиш бўйича шартнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Ер участкасини ижарага олиш бўйича шартнома ўз кучини йўқотганлиги ҳақида ижарага берувчи ўзининг “E-ijara” АТдаги кабинети орқали ижрочини ер участкасини электрон онлайн-аукцион савдоларига такрорий чиқарилиши бўйича хабардор қилади.

5-боб. Ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат ва мониторинг қилиш

30. Прокуратура органлари, адлия органлари ҳамда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ушбу Низом талабларига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан сўзсиз риоя этилиши бўйича тизимли назорат ва мониторингни амалга оширади. Тизимли назорат ва мониторинг ер участкаси материалларини тайёрлаш жараёнига аралашмасдан, “E-ijara” АТ орқали амалга оширилади.

Ушбу Низомда назарда тутилган тартибни бузиш давлат хизматлари кўрсатиш талаблари ва тартибини бузиш ҳисобланади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

31. Электрон онлайн-аукцион савдо ўтказилмаган деб топилганлиги сабабли лот такрорий электрон онлайн-аукцион савдога чиқарилганда, бошланғич нарх норматив қиймат ўзгариши муносабати билан қайта ҳисоб-китоб қилиниши талаб этилмайди.

32. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

33. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун
ер участкаларини электрон онлайн-
аукцион савдо орқали ижарага
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини
қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун электрон онлайн-аукцион савдо
орқали ижарага бериш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
-----------	------------	-----------	-----------

**I. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини
электрон онлайн-аукцион савдога қўйиш тартиби**

1-босқич	Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси	Туман (шаҳар) ҳокимлиги ёки Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда – ижарага берувчи) номига давлат рўйхатидан ўтказилган, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни “Е-ijara” АТ электрон ахборот алмашинув орқали “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институтига юборди.	Ер участкаси давлат захирасига олиниб, давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган- дан кейин
2-босқич	“Ўздаверлойиха” давлат илмий- лойиҳалаш институту	Ижарага берувчи номига давлат рўйхатидан ўтказилган ва бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги маълумотларни “Е-ijara” АТ орқали юклаб олади ҳамда ер участкаларининг ихтисослашувини ва деҳқон хўжалигини юритиш учун ёки юридик шахслар учун ажратилишини белгилаб	Бир иш куни ичида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
		бериш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборади.	
3-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ер участкаларининг ихтисослашувини ва деҳқон хўжалигини юритиш учун ёки юридик шахслар учун ажратилишини белгилаб, қабул қилинган қарорни “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институтига маълум қилади.	Уч иш куни ичида
4-босқич	“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти	1. Электрон онлайн-аукцион савдога қўйиладиган ер участкаларини жойига чиққан ҳолда ўрганади ва ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқади. 2. Ҳар бир лойиҳани келишиш учун ваколатли ташкилотларга “E-ijara” АТ орқали юборади. 3. Ер тузиш лойиҳасини “E-ijara” АТ орқали тасдиқлаш учун ижарага берувчига юборади.	Уч иш куни ичида
5-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси худудий бўлинмалари, Ижарга берувчи “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти	Ер тузиш лойиҳасини “E-ijara” АТ орқали келишади ёки келишишни рад этади. Такдим этилган ер тузиш лойиҳасини электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) билан тасдиқлайди. Ер участкасини электрон онлайн-аукцион савдога қўйиш тўғрисидаги буюртмани операторга юборади.	Уч иш куни ичида Автоматик тарзда

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
-----------	------------	-----------	-----------

II. Электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш тартиби

1-босқич	“Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ (кейинги ўринларда – оператор	Электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш тўғрисидаги хабарнома ва лот ҳақидаги маълумотларни, кишлоқ хўжалиги ер участкасининг ижара шартномаси лойиҳасини “E-auksion” электрон савдо платформасида эълон қилади.	Икки иш кун ичида
2-босқич	Жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда – иштирокчи)	Белгиланган закатат маблағларини “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖнинг махсус депозит ҳисобварағига ўтказди ва аризани юборди.	Белгиланган муддатларда
3-босқич	Оператор	<ol style="list-style-type: none">1. Иштирокчилар учун “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдони ташкил этади.2. Электрон онлайн-аукцион савдо ғолибини эълон қилади ва бу ҳақда ғолибнинг шахсий кабинетига, уяли алоқа телефонига ва электрон почта манзилига хабарнома юборди.3. Электрон онлайн-аукцион савдо натижалари тўғрисидаги электрон баённомани расмийлаштиради ва уни кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномаси билан бирга электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг шахсий кабинетига юборди.	Белгиланган муддатларда

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
4-босқич	Электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби	1. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бўйича электрон онлайн-аукцион савдода тасдиқланган нархнинг дастлабки 15 фоизини тўлайди. 2. Баённомага асосан ижара шартномасини ЭРИ билан тасдиқлайди.	Ўн иш куни ичида Ўн иш куни ичида
5-босқич	“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ер тузиш ҳужжатлари ва ижара шартномасини Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бўлинмасига юборди.	Бир иш куни ичида
6-босқич	Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бўлинмаси	1. Электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказди. 2. Реестрдан кўчирмани “Е-ijara” АТ орқали “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институтига ҳамда электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг шахсий кабинетига юборди.	Икки иш куни ичида
7-босқич	“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти	Электрон онлайн-аукцион савдо ғолибига ер участкаси чегарасини кўрсатиб беради ва бу ҳақдаги маълумотни “Е-ijara” АТга жойлаштиради.	Уч иш куни ичида

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун
ер участкаларини электрон онлайн-
аукцион савдо орқали ижарага
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини электрон
онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага бериш ҳуқуқи учун
ЭЛЕКТРОН БУЮРТМА**

20__ йил “__” _____ да ижарага берувчи томонидан тасдиқланган
лойиҳа бўйича қуйидаги ер участкасини электрон онлайн-аукцион савдо
орқали ижарага бериш учун ушбу буюртмани тақдим этади:

1. Ер участкасининг ўзига хос рақами _____;

2. Ер участкасининг майдони _____ га;

3. Ер участкаси жойлашган жой _____

_____;

4. Белгиланган мақсади _____;

5. Ер тоифаси _____;

5.1. Ер тури _____;

6. Электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг мажбуриятлари

_____;

6.1. Ижара муддати _____;

6.2. Электрон онлайн-аукцион савдо ғолибига қўйиладиган
талаблар _____;

6.3. Ер участкасидан фойдаланиш шартлари ва тартибига тааллуқли
бошқа талаблар _____;

7. “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг ҳудудий
бўлинмасининг манзили ва боғланиш учун маълумотлар (телефон рақами,
электрон почта манзили ва бошқалар) _____

_____;

_____;

Буюртма 20__ йил “__” _____ да тақдим этилди.

“Ўздаверлойиҳа” институтининг
ҳудудий бўлинмаси бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун
ер участкаларини электрон онлайн-
аукцион савдо орқали ижарага
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун
(деҳқон хўжалигини юритиш учун)

АРИЗА

(жисмоний шахснинг Ф.И.О., яшаш жойи, СТИР рақами, телефон рақами, электрон почта
манзили)

(жисмоний шахснинг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ёки “Ёшлар дафтари”да рўйхатда
турганлиги тўғрисида маълумот)

Электрон онлайн-аукцион савдо ўтказилиши ҳақидаги хабарнома билан
танишдим:

Лойиҳа рақами: № _____ ;

Лойиҳа йўналиши, майдони: _____

Электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш қоидалари билан танишиб,
20 __ йил “__” _____ куни соат _____ дақиқада
ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ушбу
аризани қабул қилишингизни сўрайман.

Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ушбу аризани
тақдим этиб, электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш қоидаларига
ва келтирилган шартларга розилик бераман.

Ер участкасининг ижара ҳуқуқини сотиб олиш бўйича тўловни
_____ бир йўла / _____ бўлиб-бўлиб тўлайман.

Мен томондан тақдим этилган маълумотлар нотўғри бўлган тақдирда,
электрон онлайн-аукцион савдо натижаларини ҳақиқий эмас деб топилиши
ҳақида огоҳлантирилдим.

Шунингдек, электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби деб топилган
тақдиримда, менга юклатиладиган мажбуриятларни бажаришни ўз зиммамга
оламан.

Тўлдирилган сана _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун
ер участкаларини электрон онлайн-
аукцион савдо орқали ижарага
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун
(юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадларида
ер участкаларини ижарага бериш учун)
АРИЗА

(юридик шахс - тўлиқ номи, почта манзили, банк реквизитлари, телефон рақами,
электрон почта манзили)

Электрон онлайн-аукцион савдо ўтказилиши ҳақидаги хабарнома билан
танишдим:

Лойиҳа рақами: № _____;

Лойиҳа йўналиши, майдони: _____

_____;

Электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш қоидалари билан танишиб,
20 __ йил “__” _____ куни соат _____ дақиқада
ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ушбу
аризани қабул қилишингизни сўрайман.

Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ушбу аризани
тақдим этиб, электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш қоидаларига
ва келтирилган шартларга розилик бераман.

Ер участкасининг ижара ҳуқуқини сотиб олиш бўйича тўловни
_____ бир йўла / _____ бўлиб-бўлиб тўлайман.

Мен томондан тақдим этилган маълумотлар нотўғри бўлган тақдирда,
электрон онлайн-аукцион савдо натижаларини ҳақиқий эмас деб топилиши
ҳақида огоҳлантирилдим.

Шунингдек, электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби деб топилган
тақдиримда, менга юклатиладиган мажбуриятларни бажаришни ўз зиммамга
оламан.

Тўлдирилган сана _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)”.

ж) 3¹-иловада:

1-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ушбу Низомда қўшимча тўловларнинг ҳисобини юритиш ва сарфлаш бўйича белгиланган талаблар қишлоқ хўжалиги ер майдонларини ижарага олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ернинг норматив қийматидан келиб чиқиб ер участкасининг ижара муддатига ҳисобланадиган қўшимча тўловларнинг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига йўналтириладиган қисмига нисбатан татбиқ этилмайди”;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан танловда ижара ҳуқуқини ютиб олиш учун кўпроқ балл тўплаш мақсадида ихтиёрий равишда ўз зиммасига олинган қўшимча тўловлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг ижара даври муддатига тенг тақсимланган ҳолда тўланади ҳамда ушбу тўловларнинг 50 фоизи Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига ва қолган 50 фоизи тегишли туман (шаҳар) бюджетига йўналтирилади”;

6-банднинг учинчи хатбошиси “тўланган” сўзидан кейин “ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига” сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “Э-auction” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур Низом талаблари хусусий мулкдорлар буюртмаси асосида уларнинг мулкларини соддалаштирилган тартиб ва муддатларда сотиш ҳамда ижарага беришга нисбатан татбиқ этилмайди.

Хусусий мулкдорлар буюртмаси асосида уларнинг мулкларини соддалаштирилган тартиб ва муддатларда сотиш ва ижарага бериш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан белгиланади”.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “19” апрелдаги 223-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2022 йил 6 майдаги 237-сон қарорига илованинг 1, 3 ва 4-бандлари.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарасига доир ҳуқуқий муносабатлар такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2023 йил 3 апрелдаги 137-сон қарорига илованинг 2 ва 3-бандлари.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 30 майдаги 222-сон қарорининг 3-банди ва 2-иловаси.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарорига “Ёшлар дафтари” ва хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантлари рўйхатига киритилган ёшларга ер участкаларини ажратиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2023 йил 28 июлдаги 320-сон қарорига илованинг 1-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор рақамли технологияларни жорий қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 3 августдаги 330-сон қарорига 2-илованинг 7-банди.

